

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

“РЎЙХАТГА ОЛИНДИ”

№ ВМ – 343 – 5А340801 – 2.01

“1” ИЮЛЬ 2003 й.

“ТАСДИҚЛАНДИ”  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги

---

“8” ИЮЛЬ 2003 й.

**КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ  
СОЛИҚҚА ТОРТИШ  
фанидан  
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 –“Бизнес ва бошқарув” таълим  
соҳасидаги 5А340803 – “Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар”  
магистратура мутахассислиги учун**

**Ташкент - 2003**

**Тузувчи:** и.ф.н. доц. Ф. Бозоров  
**Такризчилар:** и.ф.н. А. Камолов  
и.ф.н. С. Худойкулов

Олий таълимнинг давлат стандартларига мувофиқ магистратура босқичининг солиқлар ва солиққа тортиш ихтисослиги бўйича "Кичик бизнесни солиққа тортиш" фани мутахассислик фанлари сифатида ўқитилиши назарда тутилган. Ушбу фанни ўқитиш жараёнида кичик бизнесни солиққа тортиш орқали рағбатлантириш асослари, солиққа тортиш мақсадида кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш мезонлари, ягона солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиблари ҳамда соддалаштирилган солиқ тизимидаги асосий муаммолар ва шу кабилар чуқур ўргатилади.

На основе государственного стандарта высшего образования по направлению "Налоги и налогообложение" в магистратуре дисциплина "Налогообложение и малый бизнес" является предметом по специальности. В процессе обучения данной дисциплины раскрываются сущность и структура малого бизнеса, основные принципы налогообложения малого бизнеса, в том числе по исчислению и уплате единого налога. Данная типовая программа составлена на основе государственных стандартов образования Республики Узбекистан.

According to government standard of Higher Education in master's degree the subject "Taxation of small business" is intended to teach as a subject of specialty of "Taxes and taxation".

In the process of teaching this subject main principles taxation of small business, bases of promotion of small business by taxation, subjects of taxation criteria of small business calculation of unique tax, main problems in convenient way of tax system for entrepreneurs and others learned deeply.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

## 1. СЎЗ БОШИ

### **"Кичик бизнесни солиққа тортиш" фани ўқитилишининг зарурлиги ва аҳамияти**

Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан магистратура таълим йўналиши аниқ мутахассислик бўйича олий касбий таълим эканлиги мутахассислик фанларни чуқур ўрганиш заруратини юзага чиқаради. Шу мақсадда магистратуранинг "Солиқлар ва солиққа тортиш мутахассислиги" йўналиши бўйича "Кичик бизнесни солиққа тортиш" фани ихтисослик фани сифатида ўқитилади.

## **Фаннинг асосий мақсади**

Ушбу ўқув фанининг олдига қўйилган асосий вазифалар бу магистрантларнинг кичик бизнес ривожланишини солиқлар орқали рағбатлантириш, унинг ижтимоий иқтисодий сабаблари, кичик бизнесни солиққа тортишда қўлланиладиган мезонлар, соддалаштирилган солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари, яъни миллий ҳамда хорижий давлатларнинг механизмлари асосида солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартибларини шунингдек кичик бизнесни солиққа тортишдаги асосий муаммоларни мукамал ўзлаштирилишини таъминлашдан иборатдир.

"Кичик бизнесни солиққа тортиш" фани бир қатор иқтисодий фанлар билан боғлиқ бўлиб, улар жумласига "Кичик бизнес ва тадбиркорлик", "Солиқ назарияси", "Солиқ тарихи", "Давлат солиқлари ва йиғимлари", "Чет мамлакатлар солиқ тизими", "Солиқ муносабатларини бошқариш", "Маҳаллий молияни бошқариш" каби фанлар киради.

## **2. ФАН ДАСТУРИ**

### **Маъруза машғулоти мавзулари**

#### **"Кичик бизнесни солиққа тортиш" фанининг предмети ва ўрганиш усуллари**

*"Кичик бизнесни солиққа тортиш" фани ихтисослик фан эканлиги, фанни ўрганишининг мақсади ва вазифалари. Фан предмети ўрганиш ва тадқиқ этишида қўлланиладиган асосий усуллар:*

- эмпирик;
- синтез;
- қиёслаш;
- гуруҳлаш;
- диалектик қараш;
- тарихийлик;
- мантикийлик.

"Кичик бизнесни солиққа тортиш" фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.

#### **Кичик бизнеснинг иқтисодий моҳияти ва ҳуқуқий асослари ҳамда такомиллаштириш масалалари**

*Бизнес тушунчаси. Бизнеснинг қулайлик жihatдан қараш назарияси. Кичик бизнес тушунчаси. Кичик бизнеснинг йирик ва ўрта бизнес тушунчаларидан ўзаро фарқи. Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантириш ва рағбатлантиришига оид меъёрий қонун ҳужжатларини такомиллаштириши.*

#### **Кичик бизнесни солиққа тортиш (ягона солиқ) назарияси**

*Ягона солиқ назарияларининг вужудга келиши. Ягона солиқ назарияларининг гуруҳланиши. Умумий ва хусусий солиқ назарияси. Ер рентасига солиқ ягона солиқнинг энг қадимги турларидан бири эканлиги. Ягона солиққа оид физиократлар қарашлари. XVIII асрда Англияда ягона солиқ назариясининг асосий хусусиятлари. Ягона ер солиғининг Генри Джорж назарияси. Кичик бизнесни солиққа тортишнинг кейнсчилик ва монетаристик назарияси.*

## **Ўзбекистонда кичик бизнеснинг солиққа тортишнинг ҳуқуқий негизини шаклланиши**

*Ўзбекистонда соддалаштирилган солиққа тортиш тизимини жорий этишнинг зарурий омили.* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Республика тадбиркорлик фаолиятининг кейинги ривожланиш босқичлари тўғрисида"ги, "Кичик корхоналарни солиққа тортиш тизимини жорий этиш тўғрисида" ги қарорининг ягона солиқни жорий этишдаги аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги "Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимига ўтган кичик корхоналарга солиқ солиш тартиби тўғрисида"ги 159-сонли қарори ягона солиқнинг асосий ҳуқуқий асоси сифатида.

### **Соддалаштирилган солиқ тизимининг хусусиятлари**

*Солиқ тизимида соддалаштирилган солиққа тортиш тушунчаси, унинг моҳияти ва тарихий юзага келиш аспекти.* Соддалаштирилган солиқ тизимининг умумий солиққа тортиш тизими билан фарқли томонлари. Соддалаштирилган солиқ тизимини қўлланиш соҳалари. Ўзбекистонда соддалаштирилган солиқ тизимини жорий этишнинг мақсад ва вазифалари.

### **Ягона солиқ ва уни қўлланилишини такомиллаштириш масалалари**

*Ягона солиқ тушунчаси. Ягона солиқнинг тўловчилари. Солиққа тортиш мақсадида юридик шахс тушунчаси.* Кичик корхона ва микрофирма, уларнинг фарқи. Ягона солиқни тўловчиларини аниқлаш мезонлари ва унинг соҳалар бўйича ўзига хос хусусиятлари. Ягона солиқ тўлашга ўтиш тартибини такомиллаштириш. Ягона солиқдан умумий солиқ тўлашга қайтиш механизми.

### **Савдо корхоналаридан ягона солиқни ундириш тартиби ва уни такомиллаштириш йўллари**

Бозор иқтисодиёти шароитида савдо корхоналарининг тутган ўрни ва аҳамияти. *Савдо соҳасидаги кичик корхона ва микрофирмаларнинг мезони. Ягона солиқ тўловчилар. Солиқ объекти. Ялпи даромад тушунчаси, унинг таркиби ва уни аниқлаш тартиби. Солиқ ставкаси. Солиқни ҳисоблаш тартибини такомиллаштириш йўллари.* Ҳисобланган солиқни бюджетга тўлаш ва бухгалтерия ҳисобварақларида акс эттириш тартиби. Чакана савдо корхоналаридан олинган ягона солиқнинг ўзига хос хусусиятлари. Ер майдони ҳажмидан солиқни ҳисоблаш ва ундириш тартиби. Ҳисобланган солиқни бухгалтерия ҳисобварақларида акс эттириш.

### **Қишлоқ хўжалик корхоналаридан ягона солиқни ундириш тартибини такомиллаштириш масалалари**

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни. *Қишлоқ хўжалик корхоналарини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари. Ягона ер солиғи ва ягона солиқнинг ўзаро фарқи. Қишлоқ хўжалик корхоналари учун ягона солиқнинг тўловчилари ва уни аниқлаш тартиби. Солиқ объекти. Ялпи тушум ва унинг таркибини аниқлаш. Солиқ ставкаси солиқ имтиёзлари. Солиқ базасини аниқлаш. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартибини такомиллаштириш масалалари. Ҳисобланган солиқни бухгалтерия ҳисобварағида акс эттириш.*

## **Иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ягона солиқни қўллаш хусусиятларини такомиллаштириш йўллари**

Саноат, алоқа, қурилиш, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида кичик корхона ва микрофирмаларнинг тутган ўрни. *Ягона солиқ тўловчилари ва уларни аниқлаш мезони. Солиқ объекти. Солиқ ставкаси солиқ имтиёзлари. Солиқ базасини аниқлаш. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартибини такомиллаштириши масалалари. Ҳисобланган солиқни бухгалтерия ҳисобварағида акс эттириши.*

### **Кичик бизнесни солиққа тортишнинг халқаро хусусиятлари**

Тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида кичик бизнеснинг тутган ўрни. *Жаҳон амалиётида кичик бизнес субъектларини аниқлашнинг мезонлари: ишловчилар сони; айланма маблағлари, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, сотиш ҳажми. Чет давлатларда ягона солиқни қўлланиш тартиби. Солиқ тўловчиларни гуруҳлаш асослари. Солиқ объекти. Солиқ базасини шакллантириш тартиби. Солиқ ставкалари ва уни табақалаштириш асослари. Солиқ ставкалари ва уларни белгилашнинг ўзига хослиги. Солиқни ҳисоблаш усуллари ва бюджетга тўлаш тартиби.*

### **Ўзбекистонда кичик бизнесни солиққа тортишдаги муаммолар**

*Солиққа тортиш мақсадида кичик бизнес субъектларини аниқлаш мезонларида асосий муаммо ва тавсиялар. Ягона солиқ тизимида қўшилган қиймат солигини ҳисобга олиш муаммоси. Солиқ объектини аниқлашдаги асосий муаммолар. Ишловчилар сонининг ўзгаришини ягона солиқдан умумий солиққа ўтиш тартибига таъсири муаммоси. Кичик бизнес субъектлари зиммасидаги солиқ юкини соҳалар бўйича объектив аниқлаш ва тақсимлаш муаммолари.*

## **3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МАВЗУЛАРИ**

### **"Кичик бизнесни солиққа тортиш" фанининг предмети ва ўрганиш усуллари**

"Кичик бизнесни солиққа тортиш" фани ихтисослик фан эканлиги, фанни ўрганишдан мақсади ва вазифалари. Фан предметини ўрганиш ва тадқиқ этишда қўлланиладиган асосий усуллар:

- эмпирик;
- синтез;
- қиёслаш;
- гуруҳлаш;
- диалектик қараш;
- тарихийлик;
- мантиқийлик.

"Кичик бизнесни солиққа тортиш" фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.\*

## **Кичик бизнес иқтисодий моҳияти ва ҳуқуқий асослари**

Бизнес тушунчаси. Бизнеснинг қулайлик жиҳатдан қараш назарияси. Кичик бизнес тушунчаси. Кичик бизнеснинг йирик ва ўрта бизнес тушунчаларидан ўзаро фарқи. Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантириш ва рағбатлантиришга оид меъёрий қонун ҳужжатлари.\*

## **Кичик бизнесни солиққа тортиш (ягона солиқ) назарияси**

Ягона солиқ назарияларининг вужудга келиши. Ягона солиқ назарияларининг гуруҳланиши: Умумий ва хусусий солиқ назарияси. Ер рентасига солиқ ягона солиқнинг энг қадимги турларидан бири эканлиги. Ягона солиққа оид физиократлар қарашлари. XVIII асрда Англияда ягона солиқ назариясининг асосий хусусиятлари. Ягона ер солиғининг Генри Джорж назарияси. Кичик бизнесни солиққа тортишнинг кейнсчилик ва монетаристик назарияси.\*

## **Ўзбекистонда кичик бизнеснинг солиққа тортишнинг ҳуқуқий негизини шаклланиши**

Ўзбекистонда соддалаштирилган солиққа тортиш тизимини жорий этишнинг зарурий омили. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Республика тадбиркорлик фаолиятининг кейинги ривожланиш босқичлари тўғрисида"ги, "Кичик корхоналарни солиққа тортиш тизимини жорий этиш тўғрисида" ги қарорининг ягона солиқни жорий этишдаги аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги "Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимига ўтган кичик корхоналарга солиқ солиш тартиби тўғрисида"ги 159-сонли қарори ягона солиқнинг асосий ҳуқуқий асоси сифатида.\*

## **Соддалаштирилган солиқ тизимининг хусусиятлари**

Солиқ тизимида соддалаштирилган солиққа тортиш тушунчаси, унинг моҳияти ва тарихий юзага келиш аспекти. Соддалаштирилган солиқ тизимининг умумий солиққа тортиш тизими билан фарқли томонлари. Соддалаштирилган солиқ тизимини қўлланиш соҳалари. Ўзбекистонда соддалаштирилган солиқ тизимини жорий этишнинг мақсад ва вазифалари.\*

## **Ягона солиқ ва уни қўлланилиши тартиби**

Ягона солиқ тушунчаси. Ягона солиқнинг тўловчилари. Солиққа тортиш мақсадида юридик шахс тушунчаси. Кичик корхона ва микрофирма, уларнинг фарқи. Ягона солиқни тўловчиларини аниқлаш мезонлари ва унинг соҳалар бўйича ўзига хос хусусиятлари. Ягона солиқ тўлашга ўтиш тартиби. Ягона солиқдан умумий солиқ тўлашга қайтиш механизми.\*

## **Савдо корхоналаридан ягона солиқни ундириш тартиби**

Бозор иқтисодиёти шароитида савдо корхоналарининг тутган ўрни ва аҳамияти. Савдо соҳасидаги кичик корхона ва микрофирмаларнинг мезони. Ягона солиқ тўловчилар. Солиқ объекти. Ялпи даромад тушунчаси, унинг таркиби ва уни аниқлаш тартиби. Солиқ ставкаси. Солиқни ҳисоблаш тартиби. Ҳисобланган солиқни бюджетга тўлаш ва бухгалтерия ҳисобварақларида акс эттириш тартиби. Чакана савдо корхоналаридан олинadиган ягона солиқнинг ўзига хос хусусиятлари. Ер майдони ҳажмидан солиқни

ҳисоблаш ва ундириш тартиби. Ҳисобланган солиқни бухгалтерия ҳисобварақларида акс эттириш.\*

### **Қишлоқ хўжалик корхоналаридан ягона солиқни ундириш тартиби**

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни. Қишлоқ хўжалик корхоналарини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари. Ягона ер солиғи ва ягона солиқнинг ўзаро фарқи. Қишлоқ хўжалик корхоналари учун ягона солиқнинг тўловчилари ва уни аниқлаш тартиби. Солиқ объекти. Ялпи тушум ва унинг таркибини аниқлаш. Солиқ ставкаси солиқ имтиёзлари. Солиқ базасини аниқлаш. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби. Ҳисобланган солиқни бухгалтерия ҳисобварағида акс эттириш.\*

### **Иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ягона солиқнинг хусусиятлари**

Саноат, алоқа, қурилиш, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида кичик корхона ва микрофирмаларнинг тутган ўрни. Ягона солиқ тўловчилари ва уларни аниқлаш мезони. Солиқ объекти. Солиқ ставкаси солиқ имтиёзлари. Солиқ базасини аниқлаш. Солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби. Ҳисобланган солиқни бухгалтерия ҳисобварағида акс эттириш.\*

### **Кичик бизнесни солиққа тортишнинг халқаро хусусиятлари**

Тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида кичик бизнеснинг тутган ўрни. Жаҳон амалиётида кичик бизнес субъектларини аниқлашнинг мезонлари; ишловчилар сони; айланма маблағлари, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, сотиш ҳажми. Чет давлатларда ягона солиқни қўлланиш тартиби. Солиқ тўловчиларни гуруҳлаш асослари. Солиқ объекти. Солиқ базасини шакллантириш тартиби. Солиқ ставкалари ва уни табақалаштириш асослари. Солиқ ставкалари ва уларни белгилашнинг ўзига хослиги. Солиқни ҳисоблаш усуллари ва бюджетга тўлаш тартиби.\*

### **Ўзбекистонда кичик бизнесни солиққа тортишдаги муаммолар**

Солиққа тортиш мақсадида кичик бизнес субъектларини аниқлаш мезонларида асосий муаммо ва тавсиялар. Ягона солиқ тизимида қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш муаммоси. Солиқ объектини аниқлашдаги асосий муаммолар. Ишловчилар сонининг ўзгаришини ягона солиқдан умумий солиққа ўтиш тартибига таъсири муаммоси. Кичик бизнес субъектлари зиммасидаги солиқ юқини соҳалар бўйича объектив аниқлаш ва тақсимлаш муаммолари таҳлили.\*

## **4. ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА-НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ**

Дарс олиб бориш жараёнида кўргазмали қуроолларнинг роли ва аҳамияти. Кўргазмали қурооллар турлари, улардан фойдаланиш йўллари, уларни дарсга тайёрлаш ва улардан фойдаланиш.

Информацион-техник воситалар:

- 1.Интернет сайтлари;
- 2.Аудио ва видео жихозлар;

- 3.Мавзуга бағишланган видео кассеталар;
- 4.Кодоскоп орқали кўрсатиладиган слайдлар.



## 5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ

Фан бўйича талабларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:

- жорий баҳолаш (ЖБ);
- оралик баҳолаш (ОБ);
- якуний баҳолаш (ЯБ).

ЖБ ва ОБ турлари ва белгиланган баллар миқдори (ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг) 70%, якуний баҳолаш эса 30% миқдорда белгиланади.

Фан бўйича дастур тўла ўтилгандан кейин ЯБ тингловчи "ёзма иш" усулида (ўқув режасига кўра) ўтказилади.

Бу фан ўқитиш соатлари 1-курс магистрантлари учун 40 соат маъруза, 20 соат амалий машғулот, 30 соат мустақил таълим қилиб белгиланган. 2-курс магистрантлари учун 36 - соат маъруза, 18 - соат маъруза, 27 - соат мустақил таълим берилган.

Таянч тушунчаларига асосланган (ёзма иш) усулини ўтказиш тартиби "Рейтинг тузишнинг якуний баҳолаш босқичида" "Ёзма иш" усулини тадбиқ этиш бўйича Намунавий низом билан белгиланади. Семестр ўқув йили давомида ўқитилган фан бўйича максимал, 55 ва ундан юқори фоизни тўплаган талаба қониқарли ўқитаётган деб ҳисобланади. Фан бўйича максимал баллнинг 55% идан кам балл тўплаган талаба қониқарсиз ўқитган (қарздор) деб ҳисобланади.

Демак, оралик баҳолашда энг юқори балл 21,0 ни ташкил этиб, магистрант ушбу баллнинг 55%идан - 100%игача оралиғида яъни, 11,6 баллдан - 21,0 баллгача тўплаши мумкин. Жорий баҳолашда ҳам энг юқори балл 21,0 ни ташкил этиб, магистрант ушбу баллнинг 55%идан - 100%игача оралиғида яъни, 11,6 баллдан - 21,0 баллгача тўплаши мумкин. Якуний баҳолашда эса юқори балл 18,0ни ташкил этиб, магистрант ушбу баллнинг 55%идан - 100% игача оралиғида яъни, 9,9 баллдан - 18,0 баллгача тўплаши мумкин.

Семестр давомида фан бўйича тўплаган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади:

- 86 - 100 - "аъло";
- 71 - 85 - "яхши";
- 55 - 70 - "қониқарли".

## 6. АДАБИЁТЛАР

### Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Адолат, 1999.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. - Т.:Адолат, 1999.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги Қонун. - Т.: Адолат 1997.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура,-Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А.Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: Ўзбекистон, 1998.
7. Йўлдошев М., Турсунов Ж. Солиқ ҳуқуқи. -Т.: Мехнат, 2000.
8. Шаулов Д., Кан Т. Солиқ қонунчилиги асослари. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000.
9. Маликов Т. Солиққа тортишнинг долзарб муаммолари. -Т.: Академия, 2002.
10. Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. -Т: Ғ.Ғулом, 2000.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Соддалаштирилган солиқ тизимига ўтган кичик корхона ва корхоналарни солиққа тортиш тартиби тўғрисида"ги 159-сон қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Улгуржи савдо соҳасидаги кичик корхона ва микрофирмаларни кутилаётган даромадларидан ягона солиқни ҳисоблаш тўлаш тартиби тўғрисида" ги 249-сонли қарори.

### Қўшимча адабиётлар

- 1.Балашевич М. Малый бизнес: отечественный и зарубежный опыт. -М.: Анкил, 1995.
- 2.Голосова С. Соддалаштирилган тизим: ўтиш даври қийинчиликлари. -Т.: "Солиқ ва божхона хабарлари", 1998, 33-сон.
- 3.Гуро Л. Кичик тадбиркорликнинг янги имкониятлари.-Т.: Бозор, пул, кредит. 1998. 8-сон.
- 4.Гулямов С., Догил Л., Семёнов Б. Предпринимательство и малый бизнес. -Т.: Мехнат, 1997.
- 5.Шацкая Ж. Так ли уж проста упрощенная система расчетов? // . НТВ. 1998. № 25.
- 6.Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Соддалаштирилган солиқ тизимига ўтган кичик корхона ва корхоналарни солиққа тортиш тартиби тўғрисида"ги 159-сон қарори.
- 7.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Улгуржи савдо соҳасидаги кичик корхона ва микрофирмаларни кутилаётган даромадларидан ягона солиқни ҳисоблаш тўлаш тартиби тўғрисида" ги 249-сонли қарори.
- 8.Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари" 1987-сонли Фармони. 1998 йил 9 апрел.
- 9.Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Фармони. 2000 йил 5-сон.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида" ги 232-сонли қарори. 1998 йил 27 май.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ҳисобот беришини қисқартириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори. 2000 йил 23-феврал.